## ШАРТНОМА №JL24565013

**Беруний туман** **« 26» январь 2022 й**

**ООО TOLMOMED** бундан буён матнда "Ижрочи" деб аталувчи номидан рахбари З.Ш.Бозоров фаолиятини амалга оширувчи бир томондан **Беруний туман тиббиёт бирлашмаси** бундан буён матнда "Буюртмачи" деб аталувчи номидан рахбари Д.Б.Палванов фаолиятини кўрсатувчи, иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

**1. Шартнома предмети**

1.1. "Ижрочи" шартномада кўрсатилган маҳсулот(лар)ни етказиб беради. "Буюртмачи" эса шартномада кўрсатилган маҳсулот ҳақини ўз вақтида ва белгиланган тартибда тўлагандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2

| **№** | **Маҳсулот номи** | **Ул. бир** | **Миқдори** | **Нархи** | **Етказиб бериш қиймати** | **ҚҚС** | | **Етказиб беришнинг ҚҚС хисобга олинган қиймати** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | **ставкаси** | **суммаси** | |
| 1 | Гипохлорид 65% (258) | Кг | 73 | 29555 | 2157515 | без | НДС | 2157515 |
| | **ЖАМИ** | | | | **2 157 515** | | | **2 157 515** |

**2. Шартнома нархи, бахоси, суммаси (киймати)**

2.1. Шартноманинг умумий қиймати: **2 157 515 ( Икки миллион бир юз эллик етти минг беш юз ўн беш )** сўмни ташкил қилади. Шу жумладан бюджет маблағлари хисобидан **2 157 515 ( Икки миллион бир юз эллик етти минг беш юз ўн беш )** сўм, қолган ________________ (________________ ________________________________________) сўм бюджетдан ташқари манбаалар ҳисобидан тўланади.

**3. Тўлов шартлари**

3.1. "Буюртмачи" "Ижрочи"нинг хисоб-ракамига шартномада кўрсатилган махсулот микдори суммасининг 30 фоизини олдиндан 10 банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади. Колган 70 фоизи маҳсулот тўлиқ етказиб берилгандан кейин 10 банк кунида ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури Пул ўтказиш йўли орқали

**4. Шартноманинг бажарилиш муддати**

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган маҳсулот "Буюртмачи"га шартнома Ғазначиликда рўйхатга олиниб 30 % аванс тўлови ўтказилгандан кейин 10 кун вақт ичида берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал килиш муддати: 2022 йил "17 " январьдан 2022 йил " 31 " декабргача ўз кучида қолади.

**5.Тарафлар хукуклари**

5.1."Буюртмачи"нинг хукуклари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли маҳсулотни етказишни "Ижрочи"дан талаб килишга.

5.1.2. "Ижрочи"дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. "Ижрочи "нинг хукуклари:
5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотлар учун олдидан хак тулашни ва амалдаги шартнома ва конун хужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни "Буюртмачи"дан талаб килишга:
5.1.2. "Буюртмачи"дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, маҳсулотни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

**6.Тарафлар мажбуриятлари**

6.1. "Ижрочи" мажбурияти:
6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган холда ўз вақтида "Буюртмачи"га маҳсулотни етказиб бериш.
6.1.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот бахосини қайтариб бериш.
6.2. "Буюртмачи" мажбурияти:
6.2.1. Маҳсулотни қабул қилишда далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва конун хужжатларида белгиланган бўтлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида маҳсулотни қабул қилиб олиш.
6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳакда далолатнома ёзилиб 24 соат ичида "Ижрочи"ни огоҳлантириш.
6.2.3. Махсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

**7.Тарафлар жавобгарлиги**

7.1. Маҳсулот бериш вақтида шатрнома бандларига тўлиқ риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тулиқ қоплайди ва кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 % миқдорда пеня тўлайди, лекин 50% миқдордан ошиб кетмаслиги керак.
7.2. "Ижрочи" "Буюртмачи"га маҳсулотни ўз вақтида етказиб бермаган ҳар куни учун маҳсулот баҳосидан 0,5% миқдорида пеня тўлайди, лекин етказиб берилмаган маҳсулот сўммасининг 50 % дан ошиб кетмаслиги керак.
7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бўтлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, сотувчи тараф 5% микдорида пеня тўлайди, лекин етказиб берилмаган махсулот суммасининг 50 % дан ошиб кетмаслиги керак..
7.4. Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни ўз вақтида алмаштиришдан бош тортса, "Ижрочи" 5% микдорда жарима тўлайди.
7.5. Маҳсулот учун "Буюртмачи" ўз вақтида ёки тўлик тўловни амалга оширмаган бўлса, кечиктирилган ҳар бир кун учун маблағ миқдоридан 0,5% пеня тўлайди, лекин 50% миқдордан ошиб кетмаслиги керак.
7.6. "Ижрочи" омборидан ўз вақтида мол-мулк олиб чикиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, "Буюртмачи" ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун "Ижрочи"га омборда сақланганлигидан келиб чиққан зарар учун 0,5% миқдорини жарима тўлайди.

**8.Форс - мажор холатлари**

8.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уриш эълон қилиниши ёки бошланиши, фукаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошка табиий офатлар шулар жумласидандир.

8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

**9.Низони хал қилиш тартиби**

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал қилинади.

9.2. Тарафларнинг келишуви билан хал қилиб бўлмайдиган низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодиёт суди орқали хал қилинади

**10.Шартномага узгартириш ва қушимчалар киритиш тартиби**

10.1. Ушбу шартномага киритилган барча узгартириш ва қушимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан ва ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига хамда амалдаги қонун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатидан илгари бекор қилиниш мумкин.

**11.Бошқа холатлар**

11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган. Шартнома Ғазначиликдан рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик кучга эга хисобланади.

11.2. Тарафларнинг бошқа талаблари: ________________

11.3. Шартномага илова: ________________

**«ИЖРО ҚИЛУВЧИ»** **«БУЮРТМАЧИ»**

| | |
|---|---|
| **Самарқанд вилоят ООО TOLMOMED** | **Беруний туман тиббиёт бирлашмаси** |
| Манзил Самарқанд ш. А.Темур кучаси 149 уй | Манзил: Халқлар Дўстлиги №3 |
| Тел: 93-340-40-67 | Тел: 61-524-27-53 |
| Х/Р: 20208000405059233001 | ш/хр 100022860352077072120054009 |
| Банк номи АКБ «Инфинбанк» | Бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 200937347 |
| МФО: 01133 | **ОКОНХ: 91511**<br>**Ғазначилик бўлинмаси номи**<br>**Ўз.Рес. Молия вазирлиги Ғазначилиги**<br>**Газна х/в 23402000300100001010** |
| **ИНН: 30[illegible]** | |
| **ОКОНХ: [illegible] МФУД** | |
| **М.П.** ____________ **З.Ш.Бозоров** | Банк номи: Марказий банк Тошкент шахри<br>МФО: 00014<br>Ғазначилик бўлинмаси СТИРи 200937347<br>**Рахбар** **Д.Палванов** |

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: HL5517303305

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY**

**XULOSA**

1. **Loyihaning turi:** Xoʻjalik shartnomasi.
2. Loyihaning nomi: Oldi-Sotdi sh a r t n o m a

"TOLMOMED " Ma'suliyati cheklangan jamiyati bilan **2 157 515 ( Ikki million bir yuz ellik yetti ming besh yuz oʻn besh )** soʻmlik shartnoma.

3. **Loyiha ishlab chiquvchi tashkilot va kiritilgan sana:** Beruniy tumani tibbiyot birlashmasi. 2022-yil 17 - yanvar

4.**Xulosa**: Loyiha amaldagi Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 27 sentyabrdagi PQ-3953-sonli qaroriga ilova qilingan Davlat buyurtmachilari tomonidan toʻgʻridan-toʻgʻri shartnomalar boʻyicha xarid qilinadigan tovarlar (ishlar, xizmatlar) roʻyxatining 18-bandida koʻrsatilgan Oʻzbekiston Respublikasi Sogʻliqni saqlash vazirligi tomonidan davlat xaridlari sohasidagi vakolatli organ bilan kelishilgan holda tasdiqlanadigan roʻyxat boʻyicha dori vositalari hamda shartnomalar tuzishga oid qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Bosh yuriskonsult:** **M. Kamalova.**

**2022-yil "17" yanvar**